…ВАТАННИ МЎЛ ҲОСИЛ БИЛАН ҚУВОНТИРИШ, УНИ ЯНАДА БАДАВЛАТ, ЯНАДА ҚУДРАТЛИРОҚ ҚИЛИШ—РЕСПУБЛИКАДАГИ БАРЧА МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ, ҲАР БИР КИШИНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ВА ИНТЕРНАЦИОНАЛ БУРЧИДИР!

(Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатномасидан).

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 216 (8456). • 11 ноябрь, 1984 йил • ЯКШАНБА Баҳоси 3 тийин.

## МУРОЖААТНОМАГА АМАЛИЙ ИШ БИЛАН ЖАВОБ БЕРАЙЛИК

СЕРҚУЁШ республикамизнинг бепоён далаларида улкан хирмон учун курашнинг сўнгги, ҳал қилувчи босқичи бошланди. Тажриба, маҳоратларини ишга солиб, фахримиз, бойлигимиз, ризқ-рўзимиз бўлган пахтадан мўл ҳосил етиштирган деҳқонларимиз уни уюшқоқлик билан йиғиб-териб олмоқдалар, катта меҳнат ютуқларини қўлга киритмоқдалар. «Оқ олтин» хирмонлари кун сайин юксалиб, кўкка бўй чўзиб, дилларни хушнуд этмоқда. Бунда пойтахт областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг ҳам муносиб ҳиссалари борлигидан фахрланамиз. Улар ўзлари ижод этган индустриал технологияни такомиллаштириб, бу йил ҳам теримда пешқадамлар сафида бордилар, маррага барвақт етиб келдилар. Тошкентликлар она-Ватанга 425 минг тоннадан ортиқ пахта етказиб бериб, эндиликда мажбурият сари шахдам қадамлар билан бормоқдалар.

Меҳнат ғалабасига ҳамма районларнинг деҳқонлари муносиб ҳисса қўшдилар. Партия ва ҳукуматимизнинг доимий ва оталарча ғамхўрлиги, колхозчилар, совхоз ишчилари, мутахассисларнинг қаҳрамонона меҳнати, Ўроқ ва Болға ҳамкорлиги ютуқлар гарови бўлаётир. Зотан, пахта ишқи, меҳри билан ёнмаган ким бор! Шу меҳр, оқибат, бурчга бўлган садоқат ҳамма-ҳаммага битмас-туганмас куч-ғайрат бағишламоқда, уларни фидойиликка ундамоқда. Бу ғайрат-шижоат олдида ҳар қандай қийинчиликлар чекинмоқда.

Далаларимизда ғўза парвариши ишлари юксак агротехника савиясида ўтказилиб, мўл, эртаки, сифатли ҳосил етиштирилганлиги, Ватан топшириқлари муддатидан илгари бажарилаётганлиги боиси ҳам шундан!

«Лекин ҳали ҳосилимизнинг бир қисми чаноқларда турипти. Хотиржамликка берилмаймиз, республикамизнинг катта хирмони бунёд этилмагунча кўнглимиз ўрнига тушмайди, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатномаси бизларни ана шунга даъват этмоқда», — деб айтишмоқда тошкентликлар. Улар бу оташин, жанговар даъватга жавобан бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилиш, ҳар кун, ҳар соатни ғаниммат билиб, бор ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиб, Ватанни янги ютуқлар билан қувонтиришга бел боғладилар. Республикамиздаги барча меҳнат коллективлари қатори областимизда яшаб, меҳнат қилаётган ҳар бир касб эгасининг ватанпарварлик ва интернационал бурчи ана шунга даъват этмоқда. Улар бу бурчга бўлган садоқатларини амалий меҳнат ва салмоқли ютуқлар билан намойиш этишга астойдил аҳд қилганлар.

Мурожаатномада таъкидлаб ўтилганидек, пахта далаларида ҳосил тақдири ҳал этилаётган шу масъулиятли, долзарб пайтларда ҳосилни йиғиб-теришда жуда актив, жуда бевосита қатнашиш, қалбларимизнинг ҳароратини, бутун куч, тажриба ва юксак маҳоратларимизни бош вазифани ҳал этишга, бор ҳосилни сўнгги чаноғигача териб олиш учун курашга сафарбар этиш зарур. Шу билан бирга ҳосилнинг юксак сифатли бўлишини таъминлаш ҳам муҳим вазифа эканлигини унутмаслик керак.

Оширилган социалистик мажбуриятларни тез кунларда бажариш учун ҳар бир район, колхоз ва совхозда дала ишларини конвейер усулида зарбдорларча йўлга қўйиш, бунинг учун эса барча куч ва имкониятлар, техника воситаларини теримга сафарбар этиш ҳозирги куннинг энг долзарб шиоридир. Бу шарафли вазифани бажаришда планларини областда биринчилар қатори бажариб, ҳаммани қойил қолдирган, Бўка, Бекобод, Ғалаба сингари илғор районлар, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли, Бўка районидаги Тимирязев, Фрунзе номли, Янгийўл районидаги «Коммунизм», Пискент районидаги «Гулистон», Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли», Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли, Коммунистик районидаги «Политотдел», Ғалаба районидаги «Победа» сингари хўжаликларнинг тажрибаларини кенг ёйиб, ватанпарварлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб, меҳнат муваффақиятлари кўламини кун сайин кўпайтирайлик.

Бу хўжаликлар ўтган йиллардагига қараганда ҳосилдорликни анча оширишга муваффақ бўлдилар. Планларини бажариб қўйганларидан сўнг ҳам пахта териш ва тайёрлаш суръатини пасайтирмасликка ҳаракат қилмоқдалар.

Бутун республикамизда бўлганидек, областимизда ҳам кўтаринкилик, яхши кайфият ҳукмронлик қилаётган бир вазиятда Мурожаатномада таъкидланганидек, «беғамлик ва хотиржамлик, терим ишларини ташкил этишдаги ҳеч бир ўрни бўлмаган сусткашлик ва бамайлихотирлик кўринишларига асло тоқат қилиб бўлмайди. Ҳар қандай сусткашлик ҳосилни хавф остида қолдиради».

Мурожаатномадаги бу гаплардан энг биринчи навбатда пахта териш ва тайёрлашда охирги ўринларда бораётган хўжаликларнинг раҳбарлари тегишли хулосаларни чиқариб олишлари керак.

Куз охирлаяпти. Бундан кейин ҳавонинг айниши, қийин синов кунлар, ёғингарчиликлар, совуқ кунларнинг бошланиши турган гап. Буни асло унутмайлик. Мавжуд техникаларнинг юқори унум билан ишлашини ташкил этиш, қўл теримида қатнашаётганлар учун барча шароитларни яратиб бериш, ҳар бир очиқ кун ва соатдан ғоятда унумли фойдаланиш талаб этилади. Катта куч, ғайрат сарфлаб, зўр қийинчиликларни енгиб ўтган чевар теримчилар сафини кун сайин кенгайтирайлик.

Бу йил деҳқонларимиз етиштирган ҳосил биринчи марта умумий миқдоригагина қараб эмас, балки сифати, тола чиқишининг салмоғига қараб қабул қилинмоқда. Шунинг учун ҳам пахтакорларимиз ишни бошидан пухта қилишга ҳаракат қилдилар. Экишни, парваришни, дефолиацияни сифатли ўтказиш учун зарур тадбирларни кўрдилар. Мақсадларига эришдилар. Бугун шуни зўр мамнуният билан айтиш кераккки, деҳқонларимиз ўтган йиллардагига қараганда анча сифатли, тола чиқиши яхши бўлган хомашё топширишга муваффақ бўлмоқдалар. Жуда кўп колхоз ва совхозлар давлатга асосан юқори сортли пахта етказиб бердилар. Эндиликдаги вазифа охирги тонналар, сўнгги килограмм пахталарнинг ҳам сифатли бўлиши учун курашишдан иборатдир. Бу — пахта тозалаш заводи ходимларининг зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Ҳамма ерда Пискент пахта тозалаш заводи иш тажрибаси асосида пахтани қабул қилиш ва асраш, қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш, қуритиш, тозалаш цехлари ва пахта сушилкаларининг бир маромда, кечаси-кундузи ишлашини таъмин этайлик. Давлат, хўжалик ва халқ манфаати муштараклиги ана шуни тақозо этади.

«ҲОЗИР БИЗ ҲАММАМИЗ ПАХТАКОРМИЗ», деган сўзларнинг далалар узра ҳар йилдагидан кўра ҳам баралла янграётганлигининг боиси ҳам шундан! Шунинг учун ҳам «ҲОЗИР ҲАР БИР ШАҲАРЛИК, РЕСПУБЛИКАДА ЯШОВЧИ ҲАР БИР КИШИ — ХИЗМАТЧИ, СТУДЕНТ, ТЕХНИКУМ ВА ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИНИНГ ЎҚУВЧИСИ, ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИСИ, ПИОНЕР ВА УЙ БЕКАСИ ПАХТА ҲОСИЛИНИНГ ТАҚДИРИ УЧУН ШАХСАН МАСЪУЛ ЭКАНЛИГИНИ АНГЛАБ ОЛИШИ, «ОҚ ОЛТИН» ТЕРИМЧИЛАРИ САФЛАРИГА ҚЎШИЛИБ, УМУМИЙ ИШГА ҚЎЛДАН КЕЛГАНИЧА ҲИССА ҚЎШИШИ КЕРАК.

Ҳамма ерда коммунистлар, комсомолларнинг авангардлигини таъминлайлик. Улар шахсий намуна кўрсатиб, сўнгги довонларни забт этиш учун курашнинг олдинги сафларида бўлишлари керак. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари қишлоқдаги ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг марказини бевосита дала шийпонларига кўчиришлари талаб этилади. Бригада, бўлимларга бириктилган сиёсий ахборотчи, сиёсий ташкилотчи, лекторлар ўз суҳбатларида КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорлари ва шу Пленумда ўртоқ К. У. Черненконинг сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган қоида ва хулосалар, республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатномаси моҳиятини ва шу асосда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни ҳар бир колхозчи, совхоз ишчиси, механизатор, теримчи-ҳашарчилар онгига чуқур сингдирсинлар.

Шунга эришиш кераккки, ҳар бир хўжалик, бўлим, бригада, звено коллективлари ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда республикамизнинг яратилажак катта хирмонига муносиб ҳисса қўшиш учун конкрет ва оширилган мажбуриятлар белгилашлари ва бу мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилиши учун курашишлари зарур.

Бу тадбирларда мусобақанинг ошкоралигини таъминлаб, ғолибларини моддий ва маънавий рағбатлантириш, далада ишлаётганларга барча зарур шарт-шароитларнинг муҳайё қилинишига алоҳида эътибор берилсин.

Юксак социалистик мажбуриятларнинг шараф билан бажарилишига қайси соҳа, қайси касбда ишлашимиздан қатъий назар ҳар биримиз масъул ва жавобгардирмиз. Бу — бизнинг партия ва ҳукуматимиз совет кишилари тўғрисида қилаётган ғамхўрлигига амалий жавобимиз, КПССнинг навбатдаги бўлажак съездига муносиб совғамиз бўлади.

ҲАММА ҲОСИЛ ТЕРИМИГА! Яна бир зўр берайлик. ПАХТА ДАЛАСИ МЕҲНАТ ЖАСОРАТИГА ЧОРЛАЙДИ!



● БЕКОБОД районидаги «Ленинград» совхозининг тажрибали пахтакор Бобоёр Ёқубов бошчилик қилаётган бригада заршунослари бу йил пахтадан мўл ва сифатли ҳосил етиштирдилар. Коллектив аъзолари йиллик план ва мажбуриятларини ҳам областда биринчилардан бўлиб уддалашди. Суратда: Б. Ёқубов.

М. Қорабеков фотоси.



✦ ЯНГИЙЎЛ районидаги «Коммунизм» колхозининг механик-ҳайдовчиси Расим Аслонов юбилей йилида 150 тонна пахта териб, хўжалик ғалабасига салмоқли ҳисса қўшди. Суратда: Р. Аслонов.

В. Портнов фотоси.

## ПАХТА ДАЛАСИ МЕҲНАТ ЖАСОРАТИГА ЧОРЛАЙДИ

**Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатномаси областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларини ҳам янги зафарларга руҳлантириб юборди. Улар Мурожаатга жавобан далалардаги ҳосилнинг сўнгги чаноқларигача териб олиш, республикамизнинг катта хирмони тезроқ бунёд этилишига муносиб ҳисса қўшиш учун курашни янада авж олдириб юбордилар.**

### ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

«БИЗ сўзимизнинг устидан чиқишимиз керак, сўзимизнинг устидан чиқишга, олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажаришга бурчлимиз!» Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатномасидаги бу сўзлар замирида чуқур маъно бор. Дарҳақиқат, ваъда бергандан кейин уни бажариш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Бизнинг бригадамиз пахтакорлари ана шу сўзларни қалбларига жо қилган ҳолда меҳнат қилиб, салмоқли натижаларга эришмоқдалар. Биз бу йил 14 иш кунида йиллик пахта тайёрлаш планини районда биринчи бўлиб бажардик. Орадан ўн кун ўтгач, юксак социалистик мажбуриятимизни ҳам уддаладик. Ҳосилдорлик гектар бошига 45 центнерни ташкил этди. Давлат қабул пунктларига жами 435 тонна хомашё етказиб берилди.

Ҳосилнинг сифати ҳам юқори бўлди. Умумий хирмоннинг 80 проценти фақат биринчи ва иккинчи сортларга сотилди. Механизаторларимиз Ўроқбой Нишонов, Мухтор Жақиповлар 150 тоннадан пахта териб беришди.

Ҳали даламизда ҳосил бор. Пахтакорларимиз Мурожаатномага жавобан ҳосилнинг сўнгги мисқолигача териб, она-Ватанга топширишга сўз беришди. Мўлжалимиз юбилей йилида ҳосилдорликни 50 центнерга етказишдир.

**П. КИМ,**
**Ғалаба районидаги «Победа» колхозининг бригада бошлиғи.**

### ЯНА 2 ТОННА ТЕРАМАН

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатидаги сўзлар биз — студентларни ҳам ниҳоятда тўлқинлантириб юборди. Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда диёримиздаги ҳар бир киши, касб-коридан, ёшидан қатъий назар ўзини пахтакор деб ҳис қилади. Уларнинг ҳар бири республикамизнинг улкан «оқ олтин» хирмонини тезроқ бунёд этиш ишқи билан меҳнат қилади.

Бу умумхалқ курашидан бизнинг Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтининг студентлари ҳам четда туришмаяпти. Айни кунларда студентларимиз Ўрта Чирчиқ районидаги ТИИИМСХ ўқув хўжалиги пахтазорларида йиғим-теримда яқиндан ёрдам беришяпти. Жумладан, бизнинг умумий инженерлик факультетининг ўзидан 2 минг нафар студент теримда иштирок этмоқда.

Бизнинг ҳозиргача терган пахтамиз 3 минг тоннадан ошиб кетди. Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатномасига жавобан студентларимиз янада ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишга аҳд қилдилар. Менинг ўзим ҳозиргача 4 тоннадан ортиқ пахта терган бўлсам, яна шунга қўшимча 2 тонна пахта теришга сўз бердим. Факультетимизнинг Ш. Аҳмедов, З. Ортиқова, Г. Рўзиева, Ю. Тошпўлатова, А. Асомов, Г. Эргашев сингари студентлари ҳам зиммаларига оширилган мажбуриятлар олишди.

Мурожаатнома билан танишиб чиққан институтимиз коллективи катта йиғилиш ўтказиб, далаларда деҳқоннинг пешона тери, қалб қўри билан етиштирилган ҳосилнинг сўнгги мисқолигача териб олишда унга кўмаклашишга аҳд қилишди.

**С. БОБОЕВА,**
**Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти умумий инженерлик факультетининг 2-курс студенти.**

Эркин ВОҲИДОВ,
Ҳамза мукофоти лауреати

## *ТАБРИК*

**Чотқол тоғларига боқсам саҳар чоғ,**
**Кўзимга оқ хирмон бўлиб кўринди.**
**Йўқ, у хирмон эмас, сочлари оппоқ—**
**Мағрур бободеҳқон бўлиб кўринди.**

**Пойтахт вилоятим, муаззам Тошкент,**
**Илҳомим парвариш топган ошёнсан.**
**Ғазалим туғилган сулув Ғазалкент,**
**Байтларим битилган Байтқўрғонсан.**

**Янги ташбеҳ излаб кезганларим бор**
**Янгийўлнинг сўлим оқшомларида.**
**Қўшиқларим қолган терилиб қатор**
**Паркенту Ҳасанбой ишкомларида.**

**Юрак жўшқинликни, шеър**
**тиниқликни,**
**Идрок теранликни Чирчиқдан олсин,**
**Бу юртга қуёшнинг ҳаваси келса**
**Тошкент боғларида бир умр қолсин.**

**Мулки Фарғонада дунёга келдим,**
**Менга меҳр нурин сочган**
**Тошкентсан,**
**Ҳали чопиб юрган бир гўдак эдим,**
**Кўзимга дунёни очган Тошкентсан.**

**Бу кун ғалабангдан не ажаб агар,**
**Юрагимда тўлса олам ифтихор —**
**Ахир сен кўтарган бу хирмонларда**
**Менинг ҳам бир этак тўккан пахтам**
**бор…**

**Чотқол тоғларига боқдим саҳар чоғ,**
**Шуълавор оқ хирмон бўлиб кўринди.**
**Йўқ, у хирмон эмас, сочлари оппоқ—**
**Ғолиб бободеҳқон бўлиб кўринди.**

## ЯНГИЙЎЛЛИКЛАР ЗАФАРИ

Янгийўл райони меҳнаткашлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XVII пленумлари қарорларини амалга ошира бориб социалистик мусобақани кенг авж олдириб пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини 8 ноябрь куни муваффақиятли бажардилар.

Қабул пунктларига 32 минг тонна хомашё етказиб берилди. Гектаридан 32,4 центнердан ҳосил олинди. 5 минг тонна юқори сифатли уруғлик пахта тайёрланди. Машина терими плани 70 процент бажарилди, ялпи ҳосилнинг 85 проценти юқори сортларга топширилди.

Халқ хўжалик планининг бажарилишига, айниқса, Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Коммунизм» колхози меҳнаткашлари катта ҳисса қўшдилар. Пахта тайёрлаш планини биринчилар қатори бажарган бу хўжалик деҳқонларининг тажрибаси қаерда барча куч ва имкониятлар ишга сафарбар этилса, ўша ерда, албатта, юқори кўрсаткичларга эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Янгийўл пахта хирмонининг бунёд этилишида Ҳ. Турсунқулов номли, Ленин номли, «Интернационал» колхозлари, САМИС тажриба хўжалиги коллективлари ҳам катта куч-ғайрат сарфладилар. Улар ҳар гектар ердан 36—38 центнердан ҳосил олиб, бугунги кунда социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар. Н. Ниёзов номли, Калинин номли, «Ленинизм», «СССР 60 йиллиги» колхозлари ҳамда САИМЭ тажриба хўжалиги деҳқонлари эса йиллик планларини бажариш арафасида турибдилар.

Юбилей йили ҳосилни етиштириш ва уни уюшқоқлик билан йиғиб-териб олишда «Коммунизм» колхозидан Ҳайриддин Ғуломов, Ислом Икромов, Жўра Душабоев, Олимхўжа Азимхўжаев, Ленин номли колхоздан Худойберди Ўринбоев, Абдухалил Рустамов, Абдужалил Абдутолипов, Ҳ. Турсунқулов номли колхоздан Тошканбой Темиров, Одилжон Эргашев, «Интернационал» колхозидан Жаббор Мавлудов, Абдумажид Аҳмедов ўртоқлар бошлиқ бригадалар деҳқонлари катта маҳорат кўрсатдилар, ҳосилдорликни 40—47 центнерга етказдилар.

Пахта йиғим-теримида район меҳнаткашларига оталиқ ташкилотлари — Янгийўл шаҳри ва Тошкент шаҳри ишчилари, хизматчилари, студентлари ва мактаб ўқувчилари яқиндан ёрдам бердилар.

Район меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумида сўзлаган нутқидаги қоида ва хулосалардан руҳланиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатномасига жавобан йиғим-теримни уюшқоқлик билан давом эттиришга, мавсум охиригача ялпи ҳосилни 36 минг тоннага етказишга аҳд қилдилар.

## ОҚ ОЛТИН — ВАТАНГА

### ОБЛАСТИМИЗ РАЙОН ЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 10 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён:

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Бекобод | 0,41 | 104,63 | 0,06 | 66,63 |
| Ғалаба | 0,34 | 101,51 | — | 82,29 |
| Бўка | 0,33 | 101,50 | — | 87,41 |
| Янгийўл | 0,82 | 101,09 | 0,20 | 69,40 |
| Коммунистик | 0,20 | 100,77 | — | 104,85 |
| Оққўрғон | 0,51 | 100,02 | 0,27 | 85,39 |
| Чиноз | 0,52 | 99,53 | — | 69,84 |
| Пискент | 0,43 | 98,39 | 0,09 | 73,86 |
| Ўрта Чирчиқ | 0,65 | 97,79 | 0,31 | 93,00 |
| Область бўйича: | 0,47 | 100,81 | 0,10 | 81,24 |

## НАМАНГАН ПАХТАҚОРЛАРИНИНГ РАПОРТИ

Наманган областининг меҳнаткашлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини бажара бориб, Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёздириб, пахта тайёрлаш планини 9 ноябрда бажардилар. Давлатга 455 минг тоннадан кўпроқ пахта сотилди, унинг 83 проценти юқори навлар билан топширилди, гектар бошига 33,7 центнер ҳосил олинди.

Меҳнатдаги ғалабага областнинг барча районлари муносиб ҳисса қўшдилар. Наманган ва Норин районларининг меҳнатчилари ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили социалистик мажбуриятларини бажариб бўлдилар, Уйчи, Чортоқ, Учқўрғон, Косонсой, Тўрақўрғон, Задарё районларининг деҳқонлари эса мажбурият ҳисобига пахта тайёрламоқдалар.

Наманган районидаги «Партия XXII съезди», Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон», Норин районидаги «Пахтакор», Чортоқ районидаги Навоий номли, Уйчи районидаги Охунбобоев номли колхозларнинг, Учқўрғон районидаги Ленин номли совхознинг коллективлари гектар бошига 38—42 центнер пахта ҳосили олиб, социалистик мусобақада энг юксак натижаларга эришдилар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — Наманган районидаги «Партия XXII съезди» колхозидан Абдураҳмон Жўраев, Косонсой районидаги «Дўстлик» совхозидан Абдусаттор Шарипов бошлиқ, шунингдек тажрибали пахтакорлар — Уйчи районидаги «Ленинча йўл» колхозидан Шарофат Дадабоева, Тўрақўрғон районидаги Киров номли колхоздан Санобар Раҳмонова, Поп районидаги «Партия XXII съезди» колхозидан Алиёр Арслонов, Учқўрғон районидаги «Партия XXIV съезди» колхозидан Жўрамирза Холматов, Янгиқўрғон районидаги К. Маркс номли совхоздан Умаржон Мамадалиев бошлиқ ва бошқа кўпгина бригадалар пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 42—55 центнерга етказдилар.

Пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчиларидан Абдусалом Қодиров, Мингбой Обидов, Набижон Қодиров ва бошқалар пахта теримида фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатиб, бункерлардан 220—350 тонна пахта тўкдилар. Қўл терими усталаридан Меҳрихон Умарова, Сорахон Зиётова, Зарифахон Абдуллаева, Зебинисо Ўсарова, Паттихон Худойназаровалар 9—12 тоннадан пахта теришди.

Шаҳарлар ва район марказларининг ишчи ҳамда хизматчилари, студентлар ва ўқувчилар деҳқонларга ёрдамга келиб, пахтакорларнинг умумий муваффақиятига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам юксак натижаларга эришилди. Давлатга дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка, ҳўл мева ва пилла топшириш давлат планлари муваффақиятли бажарилди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш бултургидан илдамроқ амалга оширилмоқда

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XVII пленумлари қарорларидан руҳланган Наманган областининг меҳнаткашлари етиштирилган жами ҳосилни ҳеч нобуд қилмай териб олишга, пландан ташқари давлатга 30 минг тонна пахта сотиб, ялпи ҳосилни 485 минг тоннага етказишга азму қарор қилганлар.

Партия комитетлари, совет, қишлоқ хўжалик органлари, областнинг барча меҳнаткашлари ўзларининг бутун куч-ғайратларини келгуси йил ҳосили учун кузги-қишки ишлар комплексини ўз вақтида ва сифатли бажаришга, чорва қишловини намунали ўтказишга сарфламоқдалар, жонажон Коммунистик партиянинг XXVII съездини меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб олишга бел боғлаганлар.



● УШБУ суратда Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатининг илғор ишчиси Ҳусан Азимовни кўриб турибсиз. У шонли сана — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига авж олдирилган социалистик мусобақада фаол қатнашиб, топшириқларни бир ярим ҳиссадан бажаряпти.

В. Сироткин фотоси.

*Область мукофоти лауреатлари*

# «ЛАЗЗАТ» НИШОНДОРИ

ИШГА берилиб кетган Лаъли опа ёнидаги қизнинг чуқур хўрсиниб қўйганлигини сезиб, анча хушёр тортди. «Бирор гап бўлганга ўхшайди», хаёлидан ўтказди у.

— Тинчликми?! — деди унинг ёнига бориб мулойимлик билан.

— Станокка қарайман деб, линияни ўчириш яна хаёлимга келмабди. Қизлар шиша идишларни олиб келишмаган экан, сал бўлмаса ёғлар ерга тўкилиб, анчагина маҳсулот исроф бўларди. Яхшиям сезиб қолдим. Агар иш шу аҳволда давом этаверадиган бўлса, бу ерда узоқ ишлай олмайдиганга ўхшайман.

— Ҳечқиси йўқ, мен ҳам ишга янги келганимда шундай қийналганман, — уни овутди Лаъли опа. — Инсоннинг қўлидан келмайдиган иш бўлмайди. Озгина зийраклик билан чаққонроқ ҳаракат қилиш керак. Шунда ҳамма иш ўз жойида бўлади.

Лаъли опа ёш ишчи билан узоқ суҳбатлашди. Унга йўл-йўриқ кўрсатиб, турли маслаҳатлар берди.

«Чаққон, меҳнатсевар қиз, кўнгли жуда очиқ». Лаъли опа уйга қайтар экан, кўнглидан шундай хаёллар кечди. Унга кўмаклашиб туриш керак. Шу аҳволда қолдирса ишдан кўнгли совиб кетади...

Орадан йиллар ўтди. Ҳозир Насиба Қирғизова ёғ-мой комбинати майонез цехининг илғор ишчиларидан бири. У устози Лаъли Зайниддиновани меҳрибонлиги, ўз касбини ёшларга эринмай ўргатиши, меҳнатсеварлиги учун ҳурмат қилади.

Лаъли Зайниддинова корхонага келганида ёш ишчи эмас эди. Тошкент зилзиласи оқибатида Фрунзе районидаги уйи бузилиб, оиласи билан Тошкент ёғ-мой заводи яқинига кўчиб келди. Шу ердаги барча аёллар заводда ишлашгани учун у ҳам шу корхонага ишга кирди.

— Авваллари ҳамма ишни қўлда бажарардик. Шиша идишларни ювиб, оғир яшчикларни кўтариш ҳам бизнинг зиммамизда эди, — дейди Лаъли опа. — Бунинг устига ёғ тўлдирилган идишларни омборхонага элтиб, топширардик. Ҳозир эса деярли барча ишларни машиналар ёрдамида бажаряп-



миз. Бу биздан чаққон ҳаракат қилишни талаб этади. Бажарилаётган операцияларни кузатиб бориш, тайёр маҳсулотларни яшчикларга жойлашдан иборат бўлган айрим ишларни бажарамиз холос. Шундай пайтда бироз бепарволик қилинса борми, маҳсулот йиғилиб қолади. Бу туфайли шишалар синиб кетиши ва маҳсулотларнинг исроф бўлиши мумкин. Янги келган ишчилар бундай қийинчиликларга кўниколмай қийналишади. Биз ана шундай пайтларда уларга эринмай, бир қарашда осон бўлиб кўринган ўз касбимизни ўргатамиз.

...Лаъли опа тез орада аҳил коллектив ишончини қозонди, смена топшириқларини ошириб бажарди. Корхонада унинг бир умр ёдидан чиқмайдиган қувончли воқеалар кўп бўлди. Навбатдаги иш кунларининг бирида сменадан сўнг корхонанинг ишчи-хизматчилари завод клубига таклиф этилди. Бу ерда йиллик якунлар бўйича яхши кўрсаткичларга эришган ишчиларга мукофотлар топширишга бағишланган тантанали йиғилиш бошланди. Шу пайт Лаъли опа ҳаяжонланиб кетди. Ўз қулоқларига ишонмади. Корхона директори уни Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан қутлади. Дастлабки ютуқ кейинги муваффақиятлар учун дебоча бўлди. 1982 йили илғор ишчи иккинчи марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

— Корхонамиз маҳсулотлари республикамизнинг барча областларига, шу жумладан қардош республикаларга ҳам жўнатилади, — дейди биз билан суҳбатда Лаъли Зайниддинова. — Бу биздан кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни талаб этади. Ўн тўрт ишчидан ташкил топган бригадамиз ҳар куни 380 тонна пахта ёғи, 180 тонна майонез ишлаб чиқармоқда. Бу нормадагидан анча кўпдир.

Ҳар бир инсоннинг ўз олдига қўйган орзу-мақсадлари бўлади. Лаъли опанинг мақсади замонамиз тинч бўлса, дастурхонимиз тўкин, рўзғори бут бўлса. Бу уни юксак кўрсаткичлар билан меҳнат қилишга руҳлантиради. Яқинда касбдошлари, шогирдлари моҳир ишчини яна бир муваффақият билан қутладилар. У область «Лаззат» мукофотининг лауреати деган шарафли унвонга мушарраф бўлди.

— Бу мукофот биргина менинг эмас, бригадамиз ишчиларининг ҳам меҳнатига берилган юксак баҳодир, — дейди Л. Зайниддинова биз билан суҳбатда. — У бизни янги ютуқлар сари чорлайверади.

А. НОСИРОВА.

## КЎМИР КАРВОНЛАРИ

**● АНГРЕН ШАҲАР кўмирчилари бу йил пландагидан ташқари 100 минг тонна «қора олтин» қазиб чиқариш юзасидан зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини тўла бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Шунинг учун ойлик топшириқларни ортиғи билан адо этишяпти. Улар социалистик мусобақани авж олдириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, мавжуд машина-механизмлардан самарали фойдаланиш туфайли йил бошидан бери пландагига қўшимча 60 минг тоннадан кўпроқ «қора олтин» қазиб чиқардилар ва истеъмолчиларга юбордилар. Бу меҳнат муваффақиятига эришишга тармоқнинг энг йирик корхонаси кўмир разрези салмоқли ҳисса қўшди, 9-шахта коллективи ҳам ёрдам берди.**

## ОРТИҒИ БИЛАН

АНГРЕН шаҳар босмахонаси ишчилари ўн биринчи беш йилликнинг зарбдор тўртинчи йилида қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Ҳар бир ишчи-хизматчи коллективда авж олдирилган ўзаро меҳнат беллашувининг пешқадамлари бўлиб майдонга чиқишга интилмоқда, шахсий ибрат кўрсатиб ишлаётир. Бу туфайли босмахонада ўн ойлик план муддатидан илгари адо этилиб, қўшимча бир неча минг сўмлик иш бажарилди. Эришилган ютуқларда ишлаб чиқариш мастери Любовь Бахтирова бошчилигидаги смена ишчиларининг ҳамда Л. Хван, Т. Курзина, Л. Антонова каби ўнлаб илғор матбаачиларнинг ҳиссаси салмоқли бўлди. Бу пешқадам ишчилар унумли меҳнат қилиб, айни кунларда ҳам нормани 1,3 ҳиссадан бажаришяпти.

И. АҲМЕДОВ.

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ 60

# ҚАҲРАМОН ИШЧИЛАР СИНФИ

КПСС XXVI съезди қарорларида ишчилар синфининг оламшумул-тарихий вазифаси, унинг революцион кураш, социалистик ва коммунистик қурилишдаги раҳбарлик роли тўғрисидаги марксча-ленинча таълимот янада ривожлантирилди. Марксизмда энг муҳими, деб таъкидлаган эди В. И. Ленин, пролетариатнинг социалистик жамият бунёдкори сифатидаги оламшумул тарихий ролини аниқлашдир.

Социалистик революция натижасида ишчилар синфи жабр-зулм ва эксплуатациядан батамом озод бўлади ва социалистик давлат туфайли бошқа меҳнаткашлар билан биргаликда ижтимоий бойликка эгалик қилади. Ривожланган социализм шароитида ишчилар синфининг ижтимоий активлиги ва сиёсий етуклиги ортади, унинг давлатни бшқаришдаги иштироки кучаяди. Ишчилар синфи революцион назария — марксизм-ленинизм билан қуролланган Коммунистик партиянинг раҳнамолиги туфайли ўз туб манфаатларини англаб етади.

СССР кўп миллионли ишчилар синфининг жанговар отряди бўлган Совет Ўзбекистони ишчилар синфининг ташкил топиши совет тузумининг энг катта ютуқларидан биридир. Бу буюк Ватанимиз қардош халқлари ленинча дўстлиги, уларнинг ривожланган социалистик жамият қуриш учун курашда ўзаро ёрдами самарасидир.

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар ҳозирги Ўзбекистон территорияси ҳам кирган Туркистон В. И. Лениннинг таърифига кўра чор Россиясининг чинакамига мустамлакаси, хомашё етказиб берувчи чекка ўлкаси эди. Бу ерда саноат пахтани тозалашга ҳамда бошқа айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган ибтидоий кичик корхоналардан иборат эди. Ўлкада бирорта тўқимачилик фабрикаси йўқ эди. Ишчилар сони бор-йўғи 17 минг нафарни ташкил этарди. Улар меҳнаткашларнинг малакасиз, кам иш ҳақи оладиган ва ўта эксплуатация қилинадиган қисмини ташкил этарди. Бунинг устига қишлоқ хўжалиги билан алоқаларини узмаган мавсумий ишчилар кўпчиликни ташкил этиши ишчилар синфий онгининг ўсишига, улар сафини жипслаштиришга тўсқинлик қиларди.

СССР, шу жумладан, Ўзбекистон ишчилар синфи халқлар тенг ҳуқуқлиги коммунистик принципини ҳаётга татбиқ этиб, тарихан қисқа муддат ичида Россиянинг революциядан илгариги мустамлака ва ярим мустамлака чекка ўлкаларининг иқтисодий қолоқлигига барҳам берди, улар социалистик хўжалигини ҳар тарафлама ривожлантириш учун шарт-шароит туғдирди.

Ўзбекистон ишчилар синфи Октябрь кунларида Совет ҳокимияти учун садоқат билан курашган кичик жанговар отряддан жамиятни ўзгартирувчи қудратли кучга, республика меҳнаткашларининг авангардига айланди. Ўзбек совет ишчилар синфининг равнақи Маркс ва Ленин буюк таълимоти кучи ва ҳаётийлигининг ёрқин исботидир.

Республиканинг муваффақиятлари КПССнинг ленинча миллий сиёсати билан чамбарчас боғлиқдир. Биз бу борада айниқса, улуғ рус халқига чексиз меҳр-муҳаббат ҳис-туйғуларини ифода этамиз. Рус халқининг саҳий ва беғараз ёрдами туфайли Ўзбекистон асрий қолоқликка барҳам берди, қудратли саноат потенциалини, юксак механизациялашган қишлоқ хўжалигини барпо этди, ривожланган маданиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Лениннинг ва КПСС Марказий Комитетининг индустрия бутун халқ хўжалигининг пойдеворидир, деган кўрсатмаларига амал қилган ҳолда саноатни ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият бериб келди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ССРда 1700 дан кўпроқ йирик саноат корхоналари мавжуддир. Халқ хўжалигидаги ишчилар синфининг сони 3,5 миллион кишидан ортиб кетди. Саноат асосан фан-техника тараққиётини жадаллаштириш негизида ривожлантирилмоқда. Фақат ўнинчи беш йилликда республикада янги техникани жорий қилиш учун 180 миллион сўм сарфланди.

Ҳозирги пайтда Совет Ўзбекистони экономикасининг структураси, техника билан жиҳозланиши, аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, халқ хўжалигини юксак малакали мутахассислар билан таъминлаш бўйича энг ривожланган капиталистик давлатларга етиб олди. Республикамиз маҳсулотлари Европа, Осиё, Африка ва Америка қитъаларидаги 90 мамлакатга экспорт қилинмоқда. Ташқарига чиқарилаётган маҳсулотларнинг умумий қиммати бўйича Ўзбекистон Совет Иттифоқида РСФСР ва Украинадан сўнг учинчи ўринда туради.

Ўзбекистон ишчилар синфининг саноатни ривожлантиришдаги муваффақиятлари улкандир. Бироқ Ўзбекистон Компартияси XX съезди ҳамда республика Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XVII пленумлари қарорларида таъкидланганидек, бундан буён ҳам саноатни жадал ривожлантиришга биринчи даражали эътибор бериш лозим. Айниқса ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, иқтисодий тежамкорликни кучайтириш, барча резерв ва имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланиш муҳимдир.

Республикамиз ишчилар синфининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли ҳам ортиб бормоқда. Буни ҳокимият органларидаги ишчилар сони кўпайиб бораётганлиги ҳам тасдиқлаб турипти. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг 30 процентдан кўпроғини ишчилар ташкил этади. Турли миллатга мансуб қарийб 40 минг ишчи маҳаллий Советлар депутатларидир.

Ишчиларнинг республика партия ташкилотидаги салмоғи ҳам тобора ортиб бормоқда. Ҳозирги пайтда 600 мингдан кўпроқ коммунистни бирлаштириб турган республика партия ташкилотида ишчилар синфи вакиллари КПСС аъзоларининг 38 процентдан кўпроғини ташкил этади. Район, шаҳар, область партия ташкилотлари составидаги ишчилар сони ҳам муттасил кўпаймоқда. Бу табиийдир. Зеро коммунизм қураётган жамиятда энг илғор, монолит ва уюшқоқ социал куч бўлган, ижтимоий маҳсулотнинг энг кўп қисмини ҳосил қилаётган, ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи соҳасида машғул бўлган ҳамда фан-техника тараққиётини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшаётган ишчилар синфи ролининг муттасил ортиб бориши жамиятни ривожлантиришнинг объектив қонунларидан биридир.

Малакали меҳнат салмоғининг доим ортиб бориши ҳозирги давримизнинг муҳим хусусиятидир. Саноатда янги-янги касб-ҳунарлар пайдо бўлмоқда. Бу ищчиларга ўз корхоналарига раҳбарлик қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш билан бир қаторда уларни давлат нуқтаи назардан фикр юритишга, ҳам ўз корхона ва цехлари, ҳам республика ва умуман мамлакат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда иш кўришга ўргатади.

Ишчилар синфининг сафлари тез ўсиб бориши билан бир қаторда унинг составида жиддий ўзгаришлар ҳам рўй бермоқда. Революцияга қадар Ўзбекистон саноатида атиги бир неча аёллар машғул эди. Ҳозирги пайтда эса улар саноатда меҳнат қилаётган барча ишчиларнинг 60 процентини ташкил этади. Бу Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Лениннинг ишчи ва деҳқон хотин-қизлари орасида биз билганга қараганда анча кўп миқдорда ташкилотчилик истеъдодига, амалий ишни йўлга қўйиш қобилиятига эга бўлган кишилар бор, деган кўрсатмасига амал қилаётганлигини кўрсатиб турипти.

Ўзбекистон кўп миллатли республикадир. Шуниси диққатга сазоворки, ишчилар синфи ҳам кўп миллатлидир. Бу синф миллатларни бир-бирига яқинлаштириш ишига ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳисса қўшмоқда.

СССР ишчилар синфи совет жамиятининг асосий ишлаб чиқарувчи кучи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Унинг социалистик ижтимоий муносабатлар бутун системасидаги етакчилик ўрни ишчилар синфининг жанговарлиги, интизомлилиги, уюшқоқлиги ва коллективизми билан белгиланади. Ишчилар синфи доимо социалистик мусобақа ташаббускори бўлиб келган. Худди шу ишчилар синфи сафида стахановчилар ҳаракати, кейинчалик эса меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати пайдо бўлган ва авж олган.

У ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонлар, жисмоний ва ақлий меҳнат ходимлари ўртасидаги буюк иттифоқнинг асосий бўғинидир. Ишчилар синфининг социалистик манфаатлари ва коммунистик идеаллари негизида кишиларнинг янги, ўз моҳияти бўйича интернационал бўлган бирлиги — совет халқи жипслашмоқда.

Коммунистик партия ишчилар синфида, айниқса, ишчи ёшларда совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм юксак туйғуларини шакллантириб боряпти. Бу ишнинг самарали натижалари Ўзбекистон тимсолида ҳам намоён бўляпти. Республиканинг ёш меҳнаткашлари асримизнинг энг йирик қурилишлари — Тюмень конларида, Байкал-Амур магистрали қурилишларида. Ноқоратупроқ зонани ўзлаштиришда иштирок этмоқдалар, Ангола, Мозамбик, Афғонистон халқларига янги ҳаёт қуришда яқиндан кўмаклашишяпти. Бу, ўртоқ К. У. Черненко таъкидлаб ўтганидек, гражданлик, интернационал тарбиянинг ажойиб мактабидир.

Партия совет халқи бирлигини мустаҳкамлаш, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва зиёлиларни жипслаштириш учун ҳамма зарур чораларни кўрмоқда. «Пухта ўйланган, илмий асосланган миллий сиёсат, — деб таъкидланди КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумида, — ривожланган социализмни такомиллаштириш борасида партия фаолиятининг ажралмас қисмидир. Меҳнаткашларни пролетар, социалистик руҳда тарбиялаш бу соҳада муваффақият қозонишнинг муҳим шартидир».

Ўзбекистон Совет Иттифоқининг ягона халқ хўжалиги комплексини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бу ерда қазиб олинаётган газ фақат республика шаҳар ва қишлоқларини арзон ёнилғи билан таъминлабгина қолмай, Урал ва мамлакат марказининг қудратли индустриясига хизмат қилмоқда. Бу газ Украина, Молдавия, Литва ва Эстонияга ҳам етказиб берилмоқда. Ўзбекистон саноати СССР халқ хўжалиги учун зарур бўлган металл, пўлат ва чўян қувурлар, тракторлар, кранлар, экскаваторлар, қишлоқ хўжалик машиналари, минерал ўғитлар ва кўпгина бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон халқ хўжалигини мамлакатимиз бошқа районларидан бу ерга етказиб берилаётган хилма-хил маҳсулотларсиз: Қарағанда ва Кузбасс кўмирисиз, Москва, Ленинград, Белоруссия, Урал дастгоҳларисиз, енгил ва юк автомобилларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Республикамиз далаларида Олтой, Челябинск, Волгоград, Владимир, Харьков заводларида ишлаб чиқарилган минглаб тракторлар ишламоқда. Буларнинг ҳаммаси ҳар бир республика ишлаб чиқариш кучларини жадал ривожлантиришни таъминлайди, социалистик интернационализмнинг моддий асосларини мустаҳкамлашга, Ўзбекистон ишчилар синфининг Советлар Ватани кўп миллатли ишчилар синфининг бошқа отрядлари билан алоқасини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Кейинги йилларда экономиканинг жадал суръатларда ривожлантирилиши ишчилар синфи моддий ва маданий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш имконини берди. Маълумки, худди ана шу партия иқтисодий сиёсатининг моҳиятини ташкил этади. Совет ишчиларининг турмуши яхшироқ, ўзлари маънавий баркамолроқ бўлиб қолдилар.

Ўзбекистонда 780 клуб, 12 мингга яқин халқ ижодиёти тўгараклари ишчилар синфи ихтиёридадир. Улар 150 стадион, 1800 тадан кўпроқ спорт заллари, сузиш бассейнлари, футбол ва спорт майдонларида шуғулланиш имкониятига эгадирлар.

Ўзбекистон ишчилар синфи сўнгги 60 йилда босиб ўтган йўл ўз аҳамияти жиҳатидан асрларга тенгдир. Унинг ижтимоий системамиздаги етакчилик роли янада ортади.

СССРда социалистик қурилиш тажрибаси В. И. Лениннинг фақат марксча-ленинча партия раҳбарлик қилган ишчилар синфигина капитализм зулмини ағдариб ташлаш, янги, социалистик жамият қуриш, синфларни батамом йўқотиш учун курашда бутун меҳнаткашлар оммасига раҳбарлик қилишга қодирдир, деган хулосасини тўла тасдиқлади. Худди ана шу синф, Владимир Ильич таърифи билан айтганда, меҳнаткашлар оммасига бирлашишлари ва жипслашишларида, узил-кесил коммунистик жамият қуришларида ёрдам бера олади.

**В. ШАПОВАЛЕНКО,**
**тарих фанлари доктори, профессор.**

СОВЕТЛАР ҲАЕТИДАН

# ҲАР БИР ТАДБИР АНИҚ МАҚСАДГА ҚАРАТИЛСИН

ХАЛҚ депутатлари Угом қишлоқ Советида 12 минг 150 киши истиқомат қиладиган 7 та аҳоли пункти бор. Территориясида «Хўжакент» совхози, Шредер номидаги илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг филиали, ўрмон хўжалиги, 4 та мактаб, 7 та медицина пункти, 23 та савдо ва 4 та маиший хизмат кўрсатиш тармоғи, 3 та алоқа бўлими ва бошқа маданий-маиший муассасалар жойлашган.

Қишлоқ Совети ижроия комитети кейинги икки йилдан бери ишлаб чиқаришни яхшилаш, қишлоқни социал-маданий ривожлантириш, халқ маорифи ва ташкилий-оммавий ишларни такомиллаштириш масалаларини тез-тез муҳокама этадиган бўлиб қолди. Сессияларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳам анча яхшиланди. Сўнгги чақириқдан буён ўтган икки йил давомида қишлоқ Совети сессиясида социалистик қонунчиликни ва жамоатчилик ҳуқуқ-тартиботини мустаҳкамлаш, КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил февраль ва апрель Пленумлари қарорларини амалга ошириш, меҳнаткашларнинг хатлари ва аризалари билан ишлашни ҳамда гражданларни қабул қилишни янада такомиллаштириш каби 20 га яқин муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Ижроия комитет ва доимий комиссиялар сайловчилар наказларининг бажарилишини назорат қилиб борадилар. Сайловчилардан тушган 19 та наказнинг 16 таси бажарилди. Жумладан, 6 километр узунликдаги йўл асфальтланди, 2 та магазин қуриб ишга туширилди, водопровод тармоқлари узайтирилди, 5 минг тупдан зиёд дарахт кўчатлари ўтказилди.

Қишлоқ Совети ижроия комитети депутатларнинг ишлаб чиқариш коллективларидаги ролини оширишга алоҳида эътибор беради. 94 депутатнинг 64 нафари бевосита моддий ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат қилади. Шулардан 10 киши шахсий беш йиллик планини бажарди. 41 депутат эса беш йиллик топшириғини тўрт йилда бажариш учун курашмоқда.

Бироқ қишлоқ Совети ижроия комитетининг Ўзбекистон ССР Конституциясида ҳамда «Халқ депутатлари қишлоқ Советлари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунида мустаҳкамлаб берилган ваколатини амалга оширишида камчиликлар, ҳал этилмаган муаммолар ҳам оз эмас.

Ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилиш ва текшириб бориш ишлари анча сусайтириб юборилган. Масалан, чақириқдан сўнг ўтган давр ичида Совет 23 та, ижроия комитет эса 130 та қарор қабул қилган бўлса, шундан фақат беш процентигина контроль учун қўйилди, холос. Айрим қарорларда назорат қилиш муддати ҳамда бажарилиши учун масъул кишилар белгилаб қўйиладиган пунктлар йўқ. Баъзи қарорлар уни ижро этувчиларга етиб бормай қоғозда қолиб кетади. Депутатлар қишлоқ Совети сессияларида ўзлари баён этган танқидий фикр-мулоҳазаларини, таклифларини амалга ошириш юзасидан кўрилаётган тадбирлардан вақти-вақти билан хабардор қилиб турилмайди.

Бор йўғи 2 та депутатлик группаси ва 6 та пост ташкил этилган, холос. Аммо уларнинг ишида аниқлик, қатъий бир мақсад йўқ.

Меҳнаткашларнинг хатлари ва аризалари билан ишлашнинг ҳозирги аҳволи ҳам давр талабига жавоб беролмайди. Буни аҳолидан тушаётган ариза ва шикоятларнинг кўпайиб бораётганлигида кўриш мумкин. Уларнинг бир қисми шунчаки расмиятчилик учунгина кўриб чиқилади. Оқибатда эса гражданлар юқори органларга мурожаат қилишга мажбур бўлмоқдалар. Жумладан, шу йилнинг ўзида район ижроия комитетига қишлоқ аҳолисидан 29 та хат ва ариза тушди. Бу аввалги йилдагидан қарийб 28 процент кўпдир.

Угом қишлоқ Совети ижроия комитетининг ташкилотчилик фаолиятида бундай нуқсонларнинг кўплиги Бўстонлиқ район ижроия комитетининг шу қишлоқ Советига яхши раҳбарлик қилмаётгани оқибатидир. Район Совети ижроия комитети қишлоқ Совети ва унинг ижроия комитети фаолиятига раҳбарлик қилишни кучайтиришга етарли эътибор бермаяпти, иқтисодий ва социал ривожланиш планларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда конкрет амалий ёрдам кўрсатилмаяпти. Маҳаллий Советлар ижроия комитетлари ходимларининг малакасини ошириш ишлари изчил йўлга қўйилмаган. Илғор тажрибалар умумлаштирилиб, кенг ёйилмайди. Район Совети сессияларида, ижроия комитет йиғилишларида илғорларнинг комплекс ҳисоботлари кам тингланади. Советларнинг қуйи звенолари ижроия комитетларининг моддий базаларини мустаҳкамлаш хусусида қайғурилмаяпти.

Қишлоқ Совети ижроия комитети КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил апрель Пленуми ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талаблари асосида хўжалик ва социал-маданий қурилишга раҳбарлик қилиш бўйича ташкилотчилик ишларини янада яхшилаши, халқ вакиллари ҳамда кенг меҳнаткашлар оммасини ишлаб чиқариш ва жамоат ишларини бошқаришга актив жалб этиши керак. Сессияларни ва ижроия комитет йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш савияси ҳамда мазмунини тубдан яхшилаш, бунинг учун эса депутатларни, мутахассисларни ва активларни сессия ҳамда йиғилишларда кўриладиган масалаларни тайёрлашга кўпроқ жалб этиш лозим бўлади.

**А. ЙЎЛДОШЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

ИШЧИ НОМИ—ШАРАФЛИ НОМ

# САМОЛЁТСОЗ

В. П. ЧКАЛОВ номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фюзеляж (самолёт корпусини тайёрлаш) цехи. Гигант кеманинг ички қисмини эслатувчи бу участкада пневматик босқонлар, арраларнинг шовқини бир лаҳза ҳам тинмайди. Конвейер бошидан узоқлашган сари оддий металлар тайёр маҳсулот шаклини ола бошлайди.

Бешинчи разрядли йиғувчи-слесарь, ажойиб мутахассис, корхонада чорак асрдан бери баракали меҳнат қилаётган ветеран Файзулла Опахўжаев ишдан бошини кўтармайди. Бутун диққат-эътибори станокка қаратилган. Бироздан сўнг у нарироқ юрди-да, ёнгинасида меҳнат қилаётган ёш ишчига алланималарни тушунтира бошлади. У Файзулла аканинг шогирди. Шунинг учун ҳам Опахўжаев ундан ҳам тез-тез хабардор бўлиб туради.

— Назаримда худди кечагидек. Файзулла ҳам эндигина заводга келган эди, — деб эслайди Опахўжаевнинг устози «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери, кекса коммунист Иван Алексеевич Зацепилов. — Гарчанд самолётсозликдан ҳеч қандай хабари бўлмаса-да, лекин ишга шунчалик тез киришиб кетдики, ҳаммамиз ҳайратда қолдик. Шогирдликдан мустақил ишга ўтгач, техника янгиликлари, янги иш қуроллари билан қизиқа бошлади. Ўша пайтларда бирор нарсани ўрганибгина қолмай, анча енгилроқ бўлган рационализаторлик таклифларини кирита бошлади. Кўп ҳолларда ҳамкорликда бирор бир янгиликни маромига етказиб пиширардик.

Тез орада Иван Алексеевични янада мураккаброқ участкага — бириктириш участкасига ўтказишди. Файзулла эса Зацепилов бажариб келган мураккаб вазифаларни бажариши керак бўлиб қолди.

Кўп ўтмай унинг ҳам ўз шогирдлари пайдо бўлди. Файзулла ака ўз тажрибасини ўргатиш билан бирга улар қалбида касбга меҳр ҳисларини тарбиялади. Шунинг учун унинг шогирдлари кўпгина участкаларда мастер, технолог, конструктор бўлиб ишламоқдалар. Бугунги кунда Ф. Опахўжаев меҳнат қилаётган бригадага И. Лишанский бошчилик қилади. У ҳам ветераннинг шогирдларидан. Лекин ҳамон маслаҳатлашишга, бирор масалани ҳал қилишда, ишда, қийинчилик сезганда унинг олдига ёрдамга келади.

— Бу бежиз эмас, албатта, — дейди бирлашма катта мастери И. Шелипов. — Ахир йигирма беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган ветеранга ишонмай бўладими. Қолаверса, бу бригадага тушган буюртманинг бутун оғирлиги Ф. Опахўжаевга тушиши аниқ. Чунки ҳар ким аввало Файзулла акага маслаҳатга келади. Ветеран эса маслаҳатини ҳам, вақтини ҳам, керак бўлса кучини ҳам аямайди. Бу дегани ўз ишини тўхтатиб қўйиб эмас, аксинча, ўз вазифасини дўндириб қўйгач. Ҳар ойда у шахсий топшириқларини 25—30 процент зиёдаси билан адо этиши эса фикримизнинг далилидир.

**А. КАШАПОВ,**
**В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси «Ударник» кўпнусхали газетасининг ходими.**

# ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

«Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Ильич номли тажриба-механика заводининг 5-цехи ишчилари ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақа ўзининг катта самараларини бермоқда. Унда бўлинманинг барча ишчи-хизматчилари фаол иштирок этиб, қувончли натижаларни қўлга киритмоқдалар. Айниқса, А. Ғаниев етакчилик қилаётган бригада созловчилари топшириқларни зиёдаси билан адо этиб, беллашувда пешқадамлик қилишмоқда.

Яқинда бу коллектив ишчилари келаси йилнинг дастлабки ойлари ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқара бошладилар. Йиллик планда белгиланганидан ўн минг сўмлик кўп маҳсулот тайёрланиб, буюртмачи корхоналарга етказиб берилди. Михаил Белянин, Валерий Климентьев ва Виктор Аносов сингари беш йиллик зарбдорлари бу ютуққа баракали ҳисса қўшдилар.

М. АЛИҚУЛОВА.

